



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 10 январь, № 6 (9177)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Бугун биз бутунлай янги даврда яшаймиз: технологиялар шиддат билан янгиланмоқда, касблар мазмуни ўзгариб бораётган, меҳнат бозори эса кечаги стандартларни қабул қилмай қўйди. Шундай шароитда олий ва касбий таълим тизими ҳам анъанавий қолиплар доирасидан чиқиб мутлақо янги ёндашувларни талаб этмоқда. Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда таълим соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида шаклланиб бораётган. 2025 йил натижалари эса бу йўналишдаги ислохотлар тизимли, кенг қамровли ва стратегик мақсадларга қаратилганини яққол кўрсатди.

### Сарҳисоб



### Қамровдан — сифатга

Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатнинг узоқ истиқболли интеллектуал ривожини таъминлашни, профессор-ўқитувчилар фаолиятини рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилиши таълим мазмунини тубдан ўзгартирди. Илгари фақат миллий таълим майдонида фаолият юритган олий таълим муассасалари бугун халқаро рақобат муҳитига чиқиб, ўз салоҳиятини глобал мезонлар асосида намоён эта бошлади.

чанлик кескин ортиганини билдиради. Олий ўқув юртига академик ва молиявий мустақиллик берилиши, қабул жараёнлари шаффофлигининг таъминланиши, профессор-ўқитувчилар фаолиятини рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилиши таълим мазмунини тубдан ўзгартирди. Илгари фақат миллий таълим майдонида фаолият юритган олий таълим муассасалари бугун халқаро рақобат муҳитига чиқиб, ўз салоҳиятини глобал мезонлар асосида намоён эта бошлади.



### Муносабат

## ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини янгилашда “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланмоқда. Бу жаҳон миқёсида кечаётган иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳит билан боғлиқ таҳдидлар шароитида ўта муҳим ҳисобланади.

Айниқса, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларида экологик стандартларни кучайтириш масалалари барқарор иқтисодий ўсишнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланган тахририда ушбу йўналишлар бўйича аниқ мақсадлар, самарадорлик кўрсаткичларининг белгиланиши “яшил” трансформацияни тизимли, изчил амалга ошириш имконини яратди.

Бунда “яшил” иқтисодиёт ва экологик барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани мамлакатимизда соғлом экологик муҳит яратиш масаласи, кела-

жак авлодлар олдидаги масъулиятни чуқур англаш, барқарор тараққиётни таъминлаш йўлидаги қатъий сиёсий ирода-нинг ёрқин ифодаси деб биламиз. Ушбу йўналишда белгиланган мақсадлар амалга оширилиши орқали экологик хавфсиз, инновацион, рақобатбардош иқтисодий муҳит шаклланишига мустаҳкам замин яратилади.

Шу билан бирга, фармон лойиҳасида белгиланган қўшилган қиймат занжирлари ҳамда иш ўринларининг яратилиши, инновацион замонавий технологияларнинг жалб қилиниши, келгусида соҳага инвестицияларни кенг йўналтиришни оширишга хизмат қилади.



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИНИНГ МАХСУС МАЪРУЗАСИ ТИНГЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакил — Болалар омбудсманининг “Болаларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятларини таъминлашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги махсус маърузаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида давлат органлари фаолиятида боланинг энг устун манфаатларини таъминлаш борасида салмоқли кўрсаткичларга эришилмоқда. Шу билан бирга, болаларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш соҳасида мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олиш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка самарали татбиқ қилиш ишларини изчил давом эттириш долзарб вазифалардан саналади.

Маърузада Болалар омбудсмани томонидан парламент назорати доирасида ўтказилган мониторинглар, шунингдек, фуқаролардан, жумладан, вояга етмаган болалар-

дан келиб тушган murojaatlar таҳлили асосида жиноят ишлари юритувига турли процессуал мақомда жалб қилинган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда қатор муаммолар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Хусусан, одил судлов тизимида вояга етмаганларга оид жиноят ишлари бўйича терговчи ва судьяларни ихтисослаштириш, жиноят ишларини юритишда вояга етмаган шахсларни қамоқда сақлаш амалиёти, Болалар омбудсмани фаолиятига оид қонун талабларининг ижроси, шунингдек, вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш тизимида аниқланган айрим муаммолар масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.



## Бинали Йилдирим: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ЗАМИРИДА ЎЗБЕКОНА МАҲАЛЛА МОДЕЛИНИНГ РОЛИ КАТТА

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим “Дунё” АА мухбирига Ўзбекистонда 2026 йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилингани юзасидан фикр билдирди:

### Эътироф

— Ўзбекистонда 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Бу жуда муҳим қарор деб ўйлайман. Чунки “маҳалла”, “оқсоқол” тушунчаси туркий тарихда катта ўринга эга. Айниқса, маҳалла қадриятлари ва оқсоқоллар институти қадим туркий маданият ўлароқ Ўзбекистонда бугунги кунда ҳам жуда кенг татбиқ этилганини биламиз.

Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасидан яхши хабардор киши сифатида айта оламанки, мамлакатдаги бугунги барқарорлик, осойишталик ва ижтимоий тараққиётнинг замирида ҳам ўзбекона маҳалла моделининг роли бисёр. Бутун мамлакат миқёсида, вилоятларда, туманларда, шаҳар ва қишлоқларда оқсоқоллар билан бамаслаҳат иш қилинади.

Бирор маҳалладаги муаммони, аввало, шу ернинг ўзида ҳал этишга уринилади. Имкон бўлмаса, маҳалла етакчилари зудлик билан юқори турувчи идоралар — туман/вилоят раҳбариятига, Олий Мажлис ва ҳатто Президентга murojaat қилиб, масалага ечим топади. Бу модель бир жиҳатдан фуқаро ва давлат ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Чунки ҳар маҳаллада бевосита шу ерда яшайдиганлар ҳамда уларнинг етакчилари бўлган оқсоқолларнинг ўзи муаммо ва масалаларни ҳаммадан яхши билади. Муҳими, кўплаб масалалар суд-ҳуқуқ идораларига бормасдан, ярашув асосида маҳалланинг ўзида ҳал қилинади. Низоли вазиятга келиб қолган оилалар парчаланиб кетишининг олди олинади, жамиятга зарarli ҳолатлар бартараф этилади. Бу аслида қадим туркий анъана.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида маҳаллаларга ва оқсоқолларга эътибор янада ортади, шу билан бирга уларга янада каттарoқ масъулият юкланади. Маҳаллаларни ривожлантириш, ҳар қандай масалаларни жойида ҳал этиш, ҳамжиҳатлик ва ўзарo ёрдам фаолиятларини янада кўпайтириш орқали аҳоли ўртасидаги оқибат ва аҳиллик янада кучайтирилади.

Ишончим комилки, биз ҳам Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги кенг тажрибасини ўрганиб, Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши фаолияти доирасида татбиқ қилиб боришга интиламиз. Ушбу қарор муносабати билан яна бир бор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни табриклаб, миннатдорлик билдираман.

«Дунё» АА.  
Анкара

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2026  
йилда  
50 миллиард \$  
хорижий инвестиция  
жалб қилинади.

Эндиликда:  
ҳар бир доллар инвестиция, энг аввало, илгор технологиялар ва уларнинг трансфери; ташқи бозори аниқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга;

энергия, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорлиқни оширишга;

маҳаллий ишчиларни янги технологиялар билан ишлашга ўқитиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилиши керак. Яъни юқори технология ва янги компетенциялар олиб кирган, экспорт учун ишлаган инвестор энг ишончли ҳамкоримиз бўлади;

бундай стратегик инвесторларга лойиҳа учун ерлар бозор қийматида тўғридан-тўғри берилади. Ер тоифаси ўзгарганида нобудгарчилик учун тўловни 10 йилгача бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади;

ерни расмийлаштириш, тоифасини ўзгартриш, қурилиш ва инфратузилмага улашишга рухсатнома олиш учун инвесторлар идорама-идора юрмайди. Уларга “ягона дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатадиган “invest.gov.uz” электрон платформаси ишга туширилади ва барча вазирликлар бунга уланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.



Муносабат

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хусусан, куёш ва шамол энергетикаси, энергия теҳамкор технологиялар, чиқиндиларни қайта ишлаш, “яшил” шаҳарсозлик, экологик транспорт каби соҳаларни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилишнинг муҳим омилари ҳисобланади.

Куёш ва шамол станциялари, кичик гидроэлектр станциялар ва энергия сақлаш тизимлари иш ўринларини қўпайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, янги технологияларни жорий этиш ва инвестициялар киритишга, энергетика соҳасидаги мутахассислар ва муҳандислар учун янги имкониятлар яратлади. Шунингдек, стратегияда белгиланган вазифаларнинг ижроси устидан мониторинг жараёнларининг рақамли платформа орқали олиб бо-



Анвар ТҲҲЧИЕВ,  
Олий Мажлис Сенатининг  
Аграр, сув ҳўжалиги  
масалалари ва экология  
кўмитаси раиси.

рилиши экологик лойиҳаларнинг самарадорлигини аниқ баҳолаш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш ҳолатини очиқ ва шаффоф назорат қилиш имконини беради.

Бу эса атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида фаолият олиб бораётган давлат органларига нисбатан жамоатчиликнинг ишончини оширади деб биламан.

ИНСОН ҚАДРИ

УЛУҒЛАНГАН МАСКАН

Бугунги кунда давлатимиз олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг асосий мақсади инсон қадрини улуғлаш, халқ билан очиқ мулоқот қилиш ва ислохотлар самараси ҳар бир хонадонга кириб боришидир. Бу йўлда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, Мурожаатномада таъкидланганидек, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши Янги Ўзбекистон тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Бу қарор маҳаллага бўлган эътиборни янада кучайтириш, давлат бошқарувини халққа янада яқинлаштириш, одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш масъулиятини англашда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Маҳалла — жамиятнинг юзи. Агар маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади”.

Дарҳақиқат, маҳалладаги ҳар бир икбобий ўзгариш бутун жамият ҳаётига таъсир кўрсатади. Шу маънода, маҳалла — ислохотлар бошланғичи, инсон қадри намоён бўладиган асосий макон.

Олиб борилган ислохотлар натижасида 2025 йилда 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борди, яна 2 млн. 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, 5 млн. аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 млн. эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди.

Бугун ижтимоий ҳаётимизда маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Буни мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг 90 фоизи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблашадиган ҳам билса бўлади. Маҳаллага, шу асосда Ватан тақдирига дахдорлик туйғусининг юқорилиги ушбу институт, аввало, ижтимоий бирдамлик манбаи эканини кўрсатади.

Тарихимиз давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила оилага, қўшни қўшнига кўмак бериб яшаган.

Шу маънода, олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёс. Чунки маҳалла осуда ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади.

Янги йил дастурида юртимиздаги 9 мингдан зиёд маҳаллаларни, аввало, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш каби долзарб масалалар ўз ифодасини топди. Маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш ишлари давом эттирилади.

Айниқса, жорий йилда маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув ҳаётга татбиқ қилиниши эътиборга молик. Бу урбанизация ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича янги ислохотлар бошланади дегани.

Ишонамизки, буларнинг барчаси келгуси йилларда мамлакатимизни ривожлантириш, халқимиз ҳаёт фаровонлигини юксалтириш йўлидаги залварли қадамлар бўлади.

Муножат ЙЎЛЧИЕВА,  
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси.

БАРҚАРОР, ИНКЛЮЗИВ ВА

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Шу кунларда “Мамлакатнинг 2030 йилгача мўлжалланган тараққиётининг устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси муҳокамаси қизгин давом этмоқда.

Айтиш жоизки, у давлат бошқарувида инсон капитали ривожини устувор даражага олиб чиқиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Стратегик ҳужжатда кадрлар салоҳиятини ошириш, давлат хизматчиларининг билим ва малакасини замон талаблари асосида янгилаб бориш масалаларига комплекс ёндашув белгилаб берилмоқда. Бу эса ислохотларнинг ижроси фақат ташкилий эмас, балки интеллектуал салоҳиятга таянишини англашда.

Мазкур фармон лойиҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатларининг жадал-

лашуви, давлат олдида турган вазифалар кўламининг кенгайиши бошқарув тизимидан янги сифат, тезкорлик ва самарадорликни талаб этмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида жорий этилаётган “мақсад — ҳаракат — натижа” тамойили давлат бошқарувини самарага йўналтириш, ортқича бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва қарорлар ишлаб чиқишда масъулиятни кучайтиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, давлат идоралари фаолиятини фақат бажарилган ишлар эмас, балки эришилган аниқ натижалар асосида баҳолаш имконини яратди.

Шунингдек, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва мониторинг тизимларини кучайтириш давлат хизматлари-



нинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга йўл очади. Бу орқали аҳоли ва тadbirkorларнинг давлат органларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади, ҳудудларда қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлиги ошади.

Давлат бошқаруви тизимида амалга оширилиши кўзда тутилган бу ўзгаришлар “давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга қаратилган бўлиб, фуқаролар манфаатлари устувор, замонавий ва масъулиятли давлатни барпо қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳада рақамли бошқарув ва сунъий интеллект элемент-

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

ЙЎЛИДАГИ ШАХДАМ ҚАДАМЛАР

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотлар қисқа вақт ичида сезиларли ижтимоий-иқтисодий натижаларни берди. Ишсизлик даражасининг 6,8 фоиздан 4,9 фоизга тушиши, хорижий туристлар сонининг 6,6 млн.дан 9,7 млн. нафарга етиши, Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индексдаги ўрни яхшиланиши, Ватанимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлар сони 20 тага ортиб 164 тага етиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда жаҳонда ке-чаётган глобал ўзгаришлар, халқаро бозорлардаги беқарорлик, технологиялар ва са-

ноатнинг жадал ривожланиши, энергия бозорларидаги трансформация ҳамда глобал таъминот занжирларининг қайта шаклланиши Ўзбекистон олди-га янги вазифаларни қўймоқда. Бу шароитда қўшилган қий-мат занжирларида чуқурроқ ки-риш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш страте-гик аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиши ҳам янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Урбанизация жараёнлари, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини

ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш масалалари стратегик режалаштиришда устувор ўрин тутули лозим.

Глобал рақобат тобора би-лим ва инновацияларга тая-наётган бир пайтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, сунъий интеллект, киберхавф-сизлик, маълумотларни бош-қариш каби соҳаларда тизим-ли ислохотларни амалга оши-риш алоҳида аҳамиятга эга. Бу йўналишлардаги ютуқлар мам-лакатимиз рақобатбардошли-гини ошириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ва хиз-матлар яратиш имкониятини кенгайтиради.

Шу нуктаи назардан, “мақ-сад — ҳаракат — натижа” зан-жирига асосланган мутлақо янги стратегик режалаштириш



тизимининг жорий қилиниши “Ўзбекистон — 2030” страте-гиясини янги глобал тенде-нциялар ва ҷақирқилар асосида такомиллаштириш талаб эт-моқда. 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган янги самарадор-лик кўрсаткичларини белгилаш, уларни аниқ, ўлчовли ва на-тижага йўналтирилган ҳолда шакллантириш давлат бошқару-ви самарадорлигини оши-ришга ҳам хизмат қилади.

“Ўзбекистон — 2030” стра-

ЁШЛАР ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ОШИРИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва жамият ҳаётида мутлақо янги ёндашушни шакллантирди.



Умумий ўрта таълим тизимида олис ва чекка ҳудуддаги мактаб ўқувчилари учун бепул автобуслар йўлга қўйилиши дарс-ларга етиб бориш муаммосини ҳал қилиб, ижтимоий тенгликни таъминлайди. Бу, ай-ниқса, қишлоқ ҳудудларда таълим сифа-тига тўғридан-тўғри таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади. 700 га яқин янги ав-лод дарсликлари, 1 000 та мультимедиа дастури, хорижий тил эгалари бўлган му-тахассисларнинг ҳар йили жалб қилиниши таълимни фақат шаклан эмас, мазмунан ҳам янгилашга қаратилган. Президент мактаблари тажрибасини барча мактаб-ларда татбиқ этиш эса таълимда умумий сифат стандартларини шакллантиришни

қилади. Бугун рақамли савод-хонлик маҳнот халқаро ўқитиш, 300 минг ёшчи ИТ соҳаси-да иш билан таъминлаш, ҳар бир вилоят-да “Креатив парк”лар ташкил этиш — бу-лар ёшларни шунчаки ҳимоя қилиш эмас, балки уларни иқтисодий фаол кучга ай-ланштиришни кўзлайди. Ёшларнинг ишсиз-лик даражасини 14 фоиздан 11 фоизга тушириш мақсади ҳам реал иқтисодий ме-ханизмлар боғлангани боис аҳамияти юқори.

Такомиллаштирилаётган “Янги Ўзбе-кистон — 2030” стратегияси бу аниқ ра-қамлар, ҳаётий ташаббуслар ва инсон ман-фаатларига асосланган тараққиёт модели-дир. Стратегияда белгиланган ҳар бир кўрсаткич рўбёга чиқарилаётган экан, у жа-ми-ятда ишонч, барқарорлик ва келажакка иш-тиёқни мустаҳкамлайди. Айнан шу жи-ҳати билан ушбу стратегия Янги Ўзбеки-стонни фақат иқтисодий эмас, балки иж-тимоий ва маънавий жиҳатдан ҳам янги бо-сқичга олиб чиқишга қаратилган дастур си-фатида тарихда ўз ўрнига эга бўлади.

ларини стратегик режалашти-риш жараёнларига босқичма-босқич жорий қилиш вазифа-лари ҳам қайд этилган. Бу би-лан маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш тизими-ни кенгайтириш орқали инсон омилига боғлиқ хатоликларни камайтириш, прогностлаш аниқ-лигини ошириш ҳамда бошқару-в самарадорлигини кучайти-риш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар масаласига стратегик ёндашув кучайтирилади. Аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудлар кесими-да ижтимоий хизматлар сифа-ти ва улардан фойдаланиш им-кониятларини тенглаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белги-ланган.

Умуман олганда, мазкур ҳужжат давлат ривожланиши-нинг янги босқичида сифат жи-ҳатдан янгича ёндашувларни шакллантириб, барқарор, инк-люзив ва инновацион тарақ-қиётга эришиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқтамжон АХУНОВ,  
Олий Мажлис Сенатининг  
Бюджет ва иқтисодий  
масалалар кўмитаси аъзоси.

тегиясига ўзгартиришлар жа-моатчилик муҳокамаси асоси-да киритилмоқда. Айни кунлар-да барча фуқаролар Стратегия ҳамда унинг доирасида ишлаб чиқилган 2026 йилги давлат дастури муҳокамасида фаол иштирок этиб, ўз маҳалласи, ўз ҳудуди ҳамда мамлакатимиз ке-лажағи учун тақлифларини бил-дираётгани эътиборга молик.

Умуман олганда, Президенти-мизнинг мамлакат тараққиёти-ни 2030 йилгача янги босқичга олиб чиқишга қаратилган фар-мони лойиҳаси бугунги мурак-каб глобал шароитда миллий тараққиётимизни таъминлашга хизмат қиладиган муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси депу-тати сифатида ушбу ислохот-ларни қонунчилик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши устидан самарали парламен-назоратини амалга ошириш ҳамда халқ билан яқин муло-қотда ишлаш орқали белги-ланган юксак мақсадларга эришишга ўз ҳиссамизни қўши-шимиз лозим.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты.



БОЛАЛАР

ОМБУДСМАНИНИНГ

МАХСУС МАЪРУЗАСИ

ТИНГЛАНДИ

Шу билан бирга, махсус маъ-рузада болаларнинг одил суд-ловдан фойдаланиш имкониятла-рини кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар, жиноят иш-лари юритувида боланинг қонуний ман-фаатларини ишончли таъминлаш, бола-ларга нисбатан содир этилган жиноят-ларнинг самарали олдини олиш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар илгари су-рилди.

Йиғилишда кўмита аъзолари, шунинг-дек, масъул давлат органлари ва идора-лари вакиллари Болалар омбуДСмани то-монидан кўтарилган масалалар юзаси-дан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Болаларнинг одил судловдан фойдала-ниш имкониятларини таъминлашга қар-тилган фаолиятни янада такомиллашти-риш зарурлиги таъкидланди.

ҲУҚУҚЛАРИН ИЪТИРОФ

ЭТИШ ИШЛАРИ

СОДАЛАШТИРИЛАДИ

Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва ин-шоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини янада тезлаштиришга қаратилган.

Тегишли вазирлик ва идоралар вакил-лари, экспертлар, ҳуқуқшунослар қатна-шган йиғилишда сиёсий партиялар фрак-циялари, депутатлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш ва маро-мига етказиш бўйича берилган бир қатор тақлифлар, фикр-мулоҳазалар чуқур таҳ-лил қилинди.

Лойиҳада ваколатли ташкилотлар ва адлия органлари томонидан йиғмажилд ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда эълон қилиш муддатларини қисқарти-риш, яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш орқали ортқича эгалланган ер участка-сига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этишда фуқаролар манфаатларини кўзлаш ҳамда бир марталик тўловни бўлиб тўлаш имконини яратиш ва тўловлар ўз вақтида амалга оширил-ган тақдирда чегирма қўллаш назарда тутилмоқда.

Депутатлар лойиҳани маромига еткази-шда қонундаги асосий тўшунчаларни янада бойитиш, яқка тартибдаги уй-жой-лар эгалланган ер участкалари ижара муд-датларини аниқ белгилаш, ортқича эгал-ланган ер участкасининг биргаликдаги че-гараси ҳудудини ҳам эътироф қилиш нор-маларини қонунчиликда акс эттириш за-рурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Айни пайтда масъул кўмитада қонун лойиҳаси маромига етказилмоқда.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

ДЕПУТАТЛАР

ТАКЛИФИ АСОСИДА

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан кўриқлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Лойиҳа билан Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси мансабдор шахсларига тегишли бўлган маъмурий ҳуқуқбузар-ликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш ва-колатларини Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти мансабдор шахсларига ўтказиш назар-да тутиляпти.

Кўмита томонидан ушбу қонун лойи-ҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилишида сиёсий партия-лар фракциялари, депутатлар томонидан берилган бир қатор тақлифлар чуқур таҳ-лил қилинди. Асосли деб топилаган та-қлифлар эса ҳужжат матнида акс эттири-ладиган бўлди.

Масъул кўмитада қонун лойиҳасини та-комиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР — УСТУВОР МАҚСАД

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга ҳужжат сифатида кенг жамоатчилик томонидан қатта қизиқиш билан қарши олинди ва халқ манфаатларини ифодалаган ҳолда мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб берди.

Мурожаатномада айтилгани-дек, бундан тўққиз йил олдин иқтисодиётимиз ҳақминини 100 млрд. долларга етказиш биз учун жуда қатта марра бўлиб кўринарди. Ўтган йил та-рихимизда биринчи марта мам-лакатимиз янги ички маҳсуло-ти 145 млрд. доллардан ошди. Бундай юксак натижалар халқ-имизнинг, барчамизнинг қандай улкан ишларга қодир эканими-зи аққол намоён этмоқда.

2025 йилда иқтисодиёти-мизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 млрд. долларга етган бўлса, жами инвестицияларнинг янги ички

маҳсулотдаги улуши 31,9 фоиз бўлди. Бу иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин яратди дегани.

Мурожаатноманинг энг му-ҳим хусусиятларидан бири, ай-ниқса, амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳоли эҳтиёж-ларига қанчалик мос келаёт-ганида ҳам кўриш мумкин.

2023 йилда аҳолимиз сони 36,7 млн. нафарни ташкил эт-ган бўлса, мазкур кўрсаткич 2030 йилга бориб 41 милли-онга етиши прогност қилинмоқ-да. Ҳар бир янги мақсадни



ушбу ўсишни инobatга олиб белгилаш бугунги куннинг му-ҳим талабидир. Дастурий нутқда Ўзбекистонда 5 млн. аҳоли даромадли бўлиб, иш-сизлик даражаси 5,5 фоиз-дан 4,9 фоизга тушгани, қарийб 1,5 млн. эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиққа-ни, илк бор 1435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳу-дудга айлангани ургунланди. 2025 йилда камбағалликнинг 5,8 фоизгача пасайиши мам-лакатимиз бу борада уч йил ол-

дин 2026 йил якуни бўйича режа қилинган мақсадга бир йил ол-дин эришганини кўрсатади.

Мурожаатномада кейинги пайтда юртимиз глобал маса-лалар муҳокама этиладиган халқаро мулоқот майдонига айланиб бораётгани, хусусан, ўтган йили юртимиз Парламент-лараро Иттифоқнинг 150-юби-лей ассамблеяси, ЮНЕСКО Бош конференциясининг сес-сияси, “Марказий Осиё — Ев-ропа Иттифоқи” саммити ва халқаро Иқлим форумига мез-бонлик қилгани айтилди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ишонч-ли ва масъулиятли шерик сифатида тан олинаётгани, глобал кун тартибдаги муҳим масалаларда фаол иштирокчи-га айланганини кўрсатади.

Бинобарин, ушбу тadbirkorлар

тасодикий равишда эмас, бал-ки сўнгги йилларда олиб бо-рилаган очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат нати-жасида Ўзбекистонга ишонч билдирилгани асосида ўтка-зилди. Бу, айниқса, Ўзбеки-стон демократик тараққиёт йўлидан қатъий бораётган дав-лат сифатида намоён қилди.

Мурожаатномада Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эъти-бор қаратилди. Хусусан, Ўзбе-кистон, Қирғизистон ва Тожи-кистон раҳбарлари ўртасида давлат чегараларининг тўташ нуқтаси бўйича тарихий кели-шув имзолангани минтақада узоқ йиллик муаммоларни сиёсий ирода орқали ҳал этиш мумкинлигини кўрсатиди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Марказий



# ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Илгари Ўзбекистон олийгоҳлари ҳақон рейтингларида деярли қатнашмаган ёки эпизодик ҳолда тилга олинган бўлса, бугун улар халқаро таълим маконида барқарор ўрин эгаллай бошлади. Хусусан, “QS World University Rankings — 2026” рейтингига мамлакатимиздан 7 та олийгоҳ киргани, улардан 5 таси илк маротаба ушбу нуфузли рейтингда қайд этилини сифат ўзгаришининг очик далилидир. Учта олийгоҳнинг “ТОП — 1000”таликка кириши эса Ўзбекистон олий таълимнинг халқаро мезонлар бўйича баҳолашни, рақобат ва эътироф босқичига қадам қўйганини англатади. “Times Higher



Education — Impact Ranking” натижалари эса бу жараёнинг ижтимоий ўлчовини очиб берди. БМТнинг 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари асосида баҳо-ланадиган ушбу рейтингда Ўзбекистондан 59 та олийгоҳ иштирок этиб, 12 таси “ТОП — 1000”та-ликдан ўрин эгаллади.

Таълим сифати, ижтимоий тенг-лик, атроф-муҳит муҳофазаси, ин-новация ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқ натижалар олийгоҳларни фақат билим берувчи эмас, балки тараққиётни шакллантирувчи инсти-тут сифатида намоён қилмоқда. Бу жараён Ўзбекистоннинг интеллек-туал келажаги, рақобатбардош иқтисодиёти ва билимга таянган жамиятни яратиш йўлида қўйилган стратегик қадам сифатида тари-хий аҳамият касб этмоқда.

## Соҳада рақамлаштириш ва сунъий интеллектнинг ўрни

Рақамли ечимлар бугун таълим-ни режалаштириш, бошқариш ва ривожлантиришнинг интеллектуал архитектурасига айланмоқда. Бу ўзгаришлар инсон омилга ҳад-дан ташқари боғлиқлиқни қис-қартириб, қарор қабул қилишда маълумотлар таҳлилига таянувчи

янгил маданиятни шакллантиряпти. “Рақамли университет” лойиҳа-си доирасида жорий этилган “HEMIS” ахборот тизими бу жара-ённинг таянч пойдевори бўлди. У орқали ўқув, талабалар континген-ти, баҳолаш тизими ва хизматлар кўрсатиш ягона платформада бошқарила бошланди. Кейинги босқичда “HEMIS AI” модуллари-нинг ишга туширилиши таълим тизимини сунъий интеллект эле-ментлари билан бойитишга хизмат қилади.

Ушбу интеллектуал ечим “my.hemis.uz” платформасига ин-теграцияланиб, барча олий таълим муассасаларида амалиётга жорий этилди. “HEMIS AI” сервислари



орқали талабанинг академик фаолиятига оид асосий кўрсаткич-лар — “GPA” динамикаси, даво-мат ҳолати, дарс жадвали юкла-миси, фанлар кесимида ўзлашти-риш даражаси мунтазам таҳлил қилинади. Тизим тавсиявий курс-лар таклиф этиш, битирув ишла-ри ва ёзма топшириқларда пла-гиатни автоматик аниқлаш, тала-банинг молиявий ҳолатини баҳо-лаш ва шу каби қатор функция-ларни ҳам қамраб олган.

Академик лицейлар ва касбий таълим муассасаларида “EMIS EDU” платформалари жорий эти-либ, ўқув жараёнлари, электрон журналлар ва таҳлилий ҳисобот-лар рақамли форматга ўтказилди. Ахборот-ресурс марказларидаги ўқув ва илмий адабиётларнинг қарийб 87 фоизининг электрон шаклга ўтказилгани эса билим манбаларига тенг ва тезкор ки-риш имконини яратмоқда.

“AI-Proctoring” технологиялари орқали имтиҳон жараёнларида шахсни аниқлаш, қондаларга риюя этилишини назорат қилиш ва на-тижаларнинг ҳолислигини таъмин-лаш имкониятлари кенгайди.

Ахборот тизимлари орқали тўпланаётган катта сизимли маълумотлар (big data) асосида таъ-лим сиёсати қайта кўриб чиқил-

моқда, ресурслар самарали тақ-симланаётир, грантлар ва қўллаб-қувватлаш механизмлари аниқ ме-зонлар асосида шакллантирилмоқ-да. Сунъий интеллект ва рақам-лаштириш 2025 йилга келиб Ўзе-кистон таълим тизимининг янги архитектурасини белгилаб берув-чи стратегик омилга айланди.

## Меҳнат бозори учун малакали кадрлар

Мамлакатимизда касбий таъ-лимга бўлган муносабат ҳам туб-дан ўзгармоқда. Илгари бу соҳа кўпинча олий таълимга кира ол-маганлар учун “иккинчи танлов” сифатида қабул қилинган бўлса, бугун у иқтисодиётнинг реал эҳти-ёжларига жавоб берадиган, меҳ-нат бозорини малакали кадрлар билан таъминлайдиган тизимга айланаётир.

Бугун мамлакат бўйлаб юзлаб техникумларда юз минглаб ёшлар аниқ касб ва мутахассисликлар бўйича тахсил олмақда. Энг му-ҳим жиҳат — таълим мазмуни меҳ-нат бозоридан узилган ҳолда эмас, балки иш берувчиларнинг реал буюртмалари асосида шакл-лантирилаётгани. Дуал таълим ти-зимининг кенг жорий этилиши шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ушбу модель орқали ўқувчи ўқиш даврининг ўзидаёқ корхона муҳи-тига кириб боради, иш жараёни, ишлаб чиқариш маданияти ва амал-ий кўникмаларни ўзлаштиради ва тайёр мутахассис сифатида меҳ-нат бозорига чиқади.

Германия, Буюк Британия, Швейцария, Жанубий Корея каби давлатлар билан ҳамкорликда халқаро таълим дастурлари жорий этилди, “Pearson” каби дунё таъ-лим провайдерлари асосида ўқитиш йўлга қўйилгани эса бити-рувчиларнинг рақобатбардошлиги-ни ҳам оширмоқда. Хорижий тил-ларни ўқитиш соатларининг кес-кин кўпайтирилиши, талабалар-нинг инглиз, немис, корейс, япон каби тилларда касбий мулоқотга киришиш қобилиятини шаклланти-ришга хизмат қилляпти.

“WorldSkills” ҳаракати доираси-да миллий чемпионатларнинг ўтказилиши, ўзбек ўқувчиларининг халқаро касб маҳорати мусобақа-ларида қатнашиши ва мукофот-ларга сазовор бўлаётгани ушбу ти-зимдаги сифат ўзгаришларининг энг ишончли далилидир. “WorldSkills Asia Competition Taipei — 2025” мусобақасида ўзбекис-тонлик ўқувчининг “Best of Nation” — “Миллат фаҳри” мукофотини қўлга киритиши касбий таълим-



## Сифат, адолат ва инклюзивлик

Таълим фақат рақобатбардош кадрлар тайёрлаш воситаси эмас, балки жамиятда тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий тўсиқларни юмшатиш ва ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш им-конини беришга хизмат қилувчи стратегик механизмдир. Шу маъ-нода, таълим сиёсатида “сифат” тушунчаси “адолат” ва “инклюзив-лик” гоъялари билан узвий боғлан-ди. Хусусан, хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш дав-лат сиёсатининг устувор йўналиш-ларидан бирига айланди. Эҳтиёж-манд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грант-лари ҳажми икки баробар оши-рилди, қизлар учун алоҳида квот-алар ажратилди.

Талабалар учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш ҳам инсонпарвар сиёсатнинг муҳим қисмига айланди. Агар 2017 йил-



яратиш, ижтимоий тўсиқларни юмшатиш ва ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш им-конини беришга хизмат қилувчи стратегик механизмдир. Шу маъ-нода, таълим сиёсатида “сифат” тушунчаси “адолат” ва “инклюзив-лик” гоъялари билан узвий боғлан-ди. Хусусан, хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш дав-лат сиёсатининг устувор йўналиш-ларидан бирига айланди. Эҳтиёж-манд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грант-лари ҳажми икки баробар оши-рилди, қизлар учун алоҳида квот-алар ажратилди.

Талабалар учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш ҳам инсонпарвар сиёсатнинг муҳим қисмига айланди. Агар 2017 йил-

да талабалар тураржойлари эҳти-ёжнинг атиги 28 фоизини қопла-ган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 57 фоизга етказилди. Ётоқхоналарга жойлаштириш жараёнларининг электрон ва шаффоф тизим орқали амалга оширилиши адолатли тақсимот ва очиклик тамойилларини мус-таҳкамлади.

Инклюзив таълимни ривож-лантириш масаласи ҳам таълим сиёсатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ногиронлиги бор ёшлар учун таълим муассасаларида шароитларни яхшилаш, уларнинг ўқув жараёнига тўлиқ қўшилишига қаратилган ташкилий ва инфра-тузилмавий чоралар қўрилмоқда.

Жорий ўқув йилидан бошлаб абитуриентларга аввалги 5 та таъ-лим йўналишига қўшимча равиш-да 6-йўналишни танлаш имкония-ти берилди. Бу қарор қабул жара-ёнида танлов имкониятларини кен-гайтириб, тасодиф омилларини камайтирди. Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга, аммо олий маълумот-га эга бўлмаган хотин-қизлар учун тўлов-шартнома асосидаги қабул



параметрлари 5 баробар ошири-либ, 2025/2026 ўқув йили учун 2 500 та этиб белгиланди.

Эндоликда таълим соҳасидаги ислохотлар қамров, сифат, рақам-лаштириш, ижтимоий адолат ва меҳнат бозори билан уйғун ҳолда амалга оширилмоқда. Таълим Ўзбекистон учун фақат ижтимоий соҳа эмас, балки миллий тарақ-қиёт модели, инсон капиталига та-янган стратегик ресурсга айлан-моқда. Бугун қўйилаётган бу пой-девор эртанги рақобатбардош иқтисодиёт, барқарор жамият ва интеллектуал келажақнинг қафола-тидир.

**Сардор РАЖАБОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари.**

## НАМАНГАНДА НИМА ГАПЛАР?

### Норинда гастрономик туризм маркази

Халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсатувчи гастрономик туризм маркази “Fishville Norin” масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган бўлиб, сайёҳларга форель балиғидан тайёрланган тансиқ таомларни тақдим қилмоқда. Аҳоли ўртасида “хонбалиқ” дея аталадиган бу балиқ ҳўжалиқдаги махсус ҳавзаларда интенсив усулда етиштирилади.



— Барча йўналишдаги ишларни йўлга қўйиш учун 15 млн. АҚШ доллари миқдоридида сармоя сарфла-дик, — дейди лойиҳа ташаббускори Азиз Даминов. — Корхонамизда йилига 2 000 тонна балиқ махсу-лоти етиштириш имкони яратилди. Бир пайтнинг ўзида 10 млн. доллар ҳажмда экспорт захиралари ҳам вужудга келтирилди. Янги йил арафасида ишга туширилган ресторанимизда ўзига хос таъмга эга, хушхўр балиқдан пиширилётган турфа таомлар бар-чага манзур бўлмоқда.

“Хонбалиқ” ресторанида бир вақтнинг ўзида 100 нафар ҳўрандага хизмат кўрсатилади. Туманда илк бор ташкил этилган ушбу гастрономик туризм объекти Нориннинг сайёҳлик салоҳиятини янада ри-вожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

## Фармацевтика корхонаси иш бошлади

Яқинда қуриб битказилган “Nano pharmaceutical” корхонаси дори воситаларини ишлаб чиқаришга иктисослаштирилган бўлиб, унинг биринчи босқичида янги йилнинг дастлабки кунларидан қувватлар ҳаракатга келтирилди.

Янги Наманган тумани иқтисодий салоҳиятидан му-носиб ўрин оладиган ушбу лойиҳанинг умумий қийма-ти 20 млн. АҚШ доллариға тенг, ҳозирги кунга қадар 10 млн. доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

— Халқаро стандартларга жавоб берадиган замо-навий корхонамизда йилига 40 турдаги 63 млн. дона ёки 12 млн. доллар қийматдаги тайёр дори восита-лари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган, — дей-ди фармацевтика корхонаси директори Аҳадхон Муҳаммадов. — Унинг 6 млн. долларга тенг қисми ташки бозорга йўналтирилди.

“Nano pharmaceutical” корхонаси фаолиятини бош-лаши билан 300 дан зиёд доимий иш ўринлари тақ-дим этилди.

## Ёш дастурчи — 20 дан ортиқ лойиҳалар муаллифи



Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг компьютер техникаси, дастурий таъминот, электрон тижорат, телекоммуникация ва замонавий технологияларни ўрганишга иштиёқи баланд.

Муҳаммадсодиқ Убайдуллаев 12 ёшида IT соҳаси-га кириб келган. Айти пайтда Наманган шаҳридаги 12-мактабнинг 10-синфида тахсил олмақда. 2021 йил-дан буён мустақил филансер сифатида фаолият юритиб, ҳозирга қадар 20 дан ортиқ лойиҳалар му-аллифига айланган.

Йиллар давомида ўзлаштирилган билим ва кўник-малар Муҳаммадсодиққа истиқбол эшикларини очди. У пойтахтимишдаги “KPI COM” компанияси билан меҳ-нат шартномасини тузган, “full-stack” дастурчиси ла-возимида фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, “Datasite Academy” ўқув марказида ахборот техноло-гиялари йўналишида сабоқ беради.

— Келажақда махсус бренд остида ўз шахсий ком-паниямини ташкил этишни мақсад қилганман, — дей-ди М. Убайдуллаев. — Айни чоғда транспорт йўнали-шида “start-up” лойиҳаси устида иш олиб боряман. Албатта, мактабни тугаллаган нуфузли олийгоҳлар-дан бирида таълим олиб, фундаментал билимларни эгаллаш устувор режама қиритилган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**  
**(«Халқ сўзи»).**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

### АРМИЯ – ОНА ЮРТ ҚАЛҚОНИ, ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги муносабати билан Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри ҳамда Кўштепа ва Ёзёнов туманларида “Миллий армия — она юрт қалқони, тинчлигимиз посбони!” шиори остида ватанпарварлик фестиваллари ўтказилди.



Мазкур тадбирлар Шарқий ҳарбий ок-руг ҳарбий хизматчилари ҳамда ҳарбий оркестр жамоаси иштирокида юқори са-вияда ўтказилиб, байрамона руҳ, кўта-ринклилик ва тантанаворлик муҳитини яратди. Фестиваль дастури доирасида ҳарбийларнинг жамоатчилиги билан очик мулоқоти, армиямиз салоҳияти ва ну-фузини янада кўтариш тарғиботиға қаратилган қатор маънавий-маърифий чиқишлар намойиш этилди.

Шарқий ҳарбий округ матбуот хизма-тидан хабар беришларича, байрам тад-бирлари туман ва шаҳарларнинг марказ-ий кўчалари бўйлаб ҳарбий оркестр са-долари остида ўтказилган тантанали марш сўришлари билан бошланди. Шун-дан сўнг туман марказларида давом эт-ган асосий тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида амал-га оширилаётган кенг кўламли ислохот-лар, ҳарбий хизматчилар учун ярати-лаётган ижтимоий ва маънавий шарт-ша-роитлар, шунингдек, замонавий ва про-фессионал армияни шакллантириш

йўлида олиб борилаётган изчил ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Сўзга чиққан масъуллар миллий армия-мизнинг мамлакат тинчлиги ва хавфсиз-лигини таъминлашдаги муҳим ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирлар давомида ҳарбий хизмат-чилар томонидан намойиш этилган қўл жанги бўйича чиқишлар томошабилар-да катта таассурот қолдириб, ҳарбий-ларнинг жисмоний ва руҳий тайёргар-лиги юқори даражада эканини яна бир бор намоён қилди. Ҳарбий оркестр жа-моаси ижросидаги ватанпарварлик ру-ҳидаги куй-қўшиқлар эса байрам шуку-ҳини янада ошириб, тадбирга ўзгача фойз бағишлади.

Шунингдек, фестивал доирасида таш-кил этилган замонавий қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техника кўргазмаси ёшлар ҳамда тадбир меҳмонларида катта қизи-қилиш уйғотди. Кўргазма орқали иштирок-чилар миллий армиямизнинг жанговар са-лоҳияти ва техник қобилияти билан яқин-дан танишиш имконига эга бўлди.

## ҲАРБИЙЛАР ОИЛА АЪЗОЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Шарқий ҳарбий округ Фарғона ҳарбий госпиталида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Фарғона вилояти ҳудудий филиали билан ҳамкорликда ҳарбий хиз-матчиларнинг оила аъзоларини қуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш тадбир-лари уюштирилди.

Мазкур тиббий қўриқлар аҳоли саломат-лигини мустаҳкамлаш, хусусан, аёллар ва болалар ўртасида касалликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзи-ни кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил қилинди. Қўрик жараёнида иштирокчилар замонавий тиббий ускуналар ёрдамида қон таҳлили, ультратовуш ҳамда электро-кардиограмма текширувларидан ўтка-зилди.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчи-лар оила аъзолари соғлиғи ҳолати турли мутахассислар томонидан атрофлича ўрга-нилди. Ҳар бир беморга индивидуал ёнда-

шув асосида ташхис қўйилиб, зарур тиб-бий тавсиялар берилди.

Тиббий қўриқларда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди шифокорлари ҳам фаол иштирок этиб, фўқароларга бепул дори-дармонлар, мултивитаминалар, кўзойнаклар ҳамда соғлом турмуш тарзи-ни тарғиб қилувчи ахборот буклетларини тарқатилди. Бундан ташқари, қўрик даво-мида мутахассислар томонидан тўғри ов-қатланиш, жисмоний фаоллиқни ошириш, зарарли одатлардан сақланиш ҳамда мун-тазам спорт билан шуғулланиш бўйича ама-лий тавсиялар берилди.

## ФАҲРИЙЛАРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ — ИБРАТ МАКТАБИ

Нукус шаҳридаги Президент мактабида “Фаҳрийлар фаолияти ёшларга ибрат” мав-зuida маънавий-маърифий учрашув ташкил этилди.

Тадбир давомида фаҳ-рийлар сўзга чиқиб, ўзла-рининг кўп йиллик хизмат фаолияти, ҳарбий ҳаётда масъулият, интизом, садо-қат ва жасорат фазилатла-рининг аҳамияти ҳақида ба-тафсил маълумот берди. Шунингдек, улар Ватан ҳимояси йўлидаги фидоко-рона хизматлари, мам-лакатимизда тинчлик ва осойишталиқни таъмин-лашда ҳарбийларнинг му-ҳим ўрни ҳамда бугунги ёшлар зиммасига юклатил-ган масъулиятли вазифалар



хусусида ўз фикр-мулоҳаза-ларини билдирди. Учрашувда ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган ватанпарварлик руҳидаги шеърлар, сахна кўринишла-ри ва бадий чиқишлар на-

моиш қилинди. Ушбу чи-қишлар тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада бойитиб, унда иштирок этганларга кўтаринки кайфият бағиш-лади.

«Халқ сўзи».



# МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ – ЖАМИЯТ ЮКСАЛИШИ ПОЙДЕВОРИ

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши чуқур ижтимоий, фалсафий ва амалий мазмунга эга. Жамият алоҳида шахслар йиғиндиси эмас, балки ўзаро боғланган ижтимоий муносабатлар тизимидир. Ана шу муносабатларнинг илк, энг яқин ва таъсирчан бўлини эса маҳалладир. Инсон тарбияси, маънавияти, меҳнатга муносабати, фуқаролик масъулияти айнан маҳаллада шаклланади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида “Хар қандай ислохот маҳалладан бошланади” деган ғояни кўп бор таъкидлайди.

## Акс садо

**Гулдариҳа ОРАЗИМБЕТОВА,**  
**Қорақалпоғистон Республикасининг**  
**Қораўзақ туманидаги 32-умумтаълим мактаби**  
**ўқитувчиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:**

— Президентимизнинг Олий Мажлиси ва мамлакат ахлига йўллаган Мурожаатномасида таълим ва тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани ўқитувчиларни янги ғоялар сари руҳлантирди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла ёшларининг китобхонлиққа қизиқишини ошириш мақсадида мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион бадий адабиёт билан таъминлаш ташаббусини илгари сургани биз, ўқитувчилар учун катта рағбатдир. Чунки китоб — бола онги ва қалбини тарбиялайдиган энг кучли воқеа. Китобхон ёшлар кўпайса, жамият маънавий жиҳатдан мустаҳкамланади.

Янги йилга “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб ном берилиши таълим соҳаси олдида ҳам янги вазифаларни қўйди. Зеро, маҳалла, мактаб ва оила ҳамжиҳат бўлган жойда тарбия самараси кўринади. Ёш авлоднинг билими, маънавияти ва кенг дунёқарашли бўлиб вояга етиши айнан шу муҳитга боғлиқ.


Билимни ва мақсади аниқ ёшларимиз қанча кўп бўлса, жамиятимиз шунча тез юксалади. Шундай экан, биз, педагоглар ҳам маҳалла ва жамият билан ҳамнафас бўлиб, тарбияли ва билимли авлодни камолга етказиш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

**Соня УМАРОВА,**  
**Миришкор туманидаги «Вори» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли:**

— Маҳаллада аёллар фаол бўлса, оила мустаҳкам, жамият барқарор ва фаровонлиги юксалади. Бу йил маҳалладаги ислохотлар, аввало, хотин-қизларнинг ҳаёти, фаоллиги ва ижтимоий ҳимояси билан бевосита боғлиқлиги табиий. Шу боис жорий йилда ҳам маҳалламизда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни касбга йўналтириш ва оилавий тадбиркорликка жалб қилиш ишларини изчил давом эттирамиз. Хар бир аёл ўзининг эътиборда экани ва қўллаб-қувватланаётганини ҳис қилса, маҳаллада ишонч, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланади.

Маҳалламизда 2326 нафар аҳоли яшайди, уларнинг 1119 нафари хотин-қиз. Хар бир аёлнинг дардини ешитиш, муаммосини ўз вақтида аниқлаб, ечим топишни устувор вазифа сифатида белгилаб олганмиз. Бундай ишлар маҳаллада соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш, оилалар тинчлигини таъминлаш ва жамият барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу йилнинг 5 январида Президентимиз томонидан имзоланган қарор Мурожаатномада белгилаб берилган вазифаларнинг ижросига қаратилган муҳим ҳужжатдир. Қарорда оила-турмуш муносабатлари доирасида, шунингдек, аёллар ва ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида “илмий ҳулоса — таъсия — натижа” тамойили асосида жойларда мақсадли илмий-амалий ўрганиш ишларини олиб бориш ҳамда шу асосда самарали ташкилий-ҳуқуқий чораларни белгилаш вазифалари қайд қилинган. Бу эса маҳаллада аёллар фаоллигини янада ошириш, оила мустаҳкамлиги ва соғлом маънавий муҳитни таъминлашга қаратилган ишларга аниқ йўналиш ва амалий мазмун бағишлайди.



**Абдуғаффор МИРАМИНОВ,**  
**Олтиариқ туманидаги «Азимобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони соҳиб:**

— Президентимизнинг Мурожаатномасида ҳар бир иш маҳалладан бошланиши ҳақидаги сўзлар юртимиздаги биз каби барча “маҳалла еттичилиги” ҳамда фаолларига кўтаринкилик бахш этди. 2026 йилда маҳалла институти олдида аниқ вазифалар, катта мақсадлар қўйилди. Энди маҳаллаларда фақат ижтимоий муаммолар ҳал этилибгина қолмай, бунёдкорлик, янгиланиш ва фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида янги босқич бошланади.

Маҳалламизда бугун ўнлаб тадбиркорлар, фермерлар ва бонлар самарали меҳнат қилиб келмоқда. Жорий йилда ҳам шундай ташаббускор инсонлар сафини янада кенгайтириш, ёшларни меҳнатга жалб этиш ва даромад манбаларини кўпайтириш асосий мақсадимиз.

Аҳолиимизнинг ҳамжиҳатлиги билан Катта Фарғона каналидан маҳалла ҳудудига 8,5 километр масофада ариқ қазилиб, бетонланди. Бу иш боғдорчиликни ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва аҳоли даромадини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, хорижда меҳнат миграциясида юрган фуқароларни юртга қайтариб, уларни доимий иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, ёшларни Ватанга қайтариб, “Устоз — шоғирд” аънаси асосида касбга йўналтириш орқали уларнинг келажагига ишонч уйғотишни ўз олдимизга вазифа қилиб олдик.



**Жўрабек АБДУРАСУЛОВ,**  
**Олот туманидаги «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази шўба мудири, «Келажақ бунёдкори» медали соҳиб:**

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш маҳалла фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири. Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш, имконияти чекланган фуқароларга турли ёрдамлар кўрсатиш — бу нафақат уларнинг ҳаётини енгиллаштиради, балки жамиятда ҳамжиҳатлик, ишонч ва маънавий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Мурожаатномада ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳаётига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди. Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қатъий чора-тадбирлар белгиланиб, маҳаллалардаги амалий ишларга ҳам йўналиш берилди.

Мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларга моддий ёрдам, тиббий хизматлар, касбга ўргатиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятлари яратиб келинмоқда. Маҳаллаларда шунга ўхшаш лойиҳалар орқали уларнинг ҳаёти енгиллаштирилмоқда, ижтимоий фаоллиги ва мустақиллиги таъминланмоқда.

**Мусоҳон АППАҚОВ,**  
**халқ депутатлари Наманган вилояти**  
**Кенгаши депутати, Республика**  
**Маънавият ва маърифат маркази**  
**вилоят бўлими раҳбари:**

— Бугун маҳалла — давлат ва жамият ўртасидаги энг муҳим кўприкка айланиб улгурди.

Маҳаллада соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш хавфсизлик ва барқарорлиқнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис маҳаллани маънавият ўчоғига айлантиришда ҳар бир фаол, ҳар бир раҳбар ва ҳар бир ота-она ўз масъулиятини чуқур ҳис этиши лозим. Бу борада китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш, ёшлар билан мунтазам маънавий-маърифий учрашувлар ўтказиш, оилавий қадриятларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ишлар оқилолликни сақлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда ижтимоий профилактика самардорлигини ошириш устувор вазифа сифатида қатъий белгилаб берилди, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш орқали жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган манзилли чора-тадбирлар тизими жорий этилиши алоҳида таъкидланди. Бу маҳаллада маънавият, тарбия ва хавфсизликни уйғун ҳолда таъминлаш борасидаги ишларга жиддий қиришши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, 2026 йил маҳаллаларга янги мазмун бағишлаш ва кенг имкониятлар яратиш йили бўлади. Маҳалла фақатгина яшаш ҳудуди эмас, балки тарбия, маънавият, ҳамжиҳатлик ва фуқаролик фаоллиги масканига айланади.



Шу тариқа, маҳалла нафақат ижтимоий ҳимоя маркази, балки жамиятда барқарор ривожланиш ва оилавий қадриятларнинг асоси сифатида ҳам улкан аҳамият касб этапти. Жорий йилда бу борадаги ишларнинг кўлами, долзарблиги янада ошади.

Маҳалла фаолиятидаги ҳар бир қадам — бу бутун жамиятнинг равнақи ва келажақ барқарорлигининг пойдевори, ҳар бир инсоннинг ҳаётига эътиборнинг ифодасидир. Маҳалладаги хайрли ташаббус, амалий иш жамиятнинг умумий юксалишига ҳисса қўшади ва инсон ҳаётидаги маънавий, ижтимоий ва иқтисодий қадриятларни янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Улугбек РЎЗИМАТОВ**  
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**



## АҚШ 66 ТА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТДАН ЧИҚДИ

Оқ уй матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, Президент Дональд Трамп АҚШнинг 66 та халқаро ташкилотдан чиқиши тўғрисидаги меморандумни имзолади. Мазкур ташкилотларнинг тўлиқ рўйхати Оқ уй расмий сайтида эълон қилинган — уларнинг 31 таси БМТ тузилмалари ҳисобланади.

Тарқатилган баёнотга кўра, бу ташкилотлар “энди АҚШ манфаатларига хизмат қилмайди”. Трамп маъмурияти АҚШ аъзо бўлган ёки молиялаштирадиган барча халқаро ташкилотлар, конвенциялар ва шартномаларни текширгандан сўнг шундай қарорга келган.

АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг баёнотида айтилишича, аъзолиги тўхтатилаётган ташкилотлар “маб-лағларни исроф қилувчи”, “самарасиз”, “зарарли”, “ёмон бошқариладиган”, “ортиқча” ёки “АҚШнинг давлат суверенитети, эркинликлари ва умумий фаровонлигига таҳдид солувчи” тузилмалар деб баҳоланган.

Эслатиб ўтавиш, аввалроқ Д. Трамп АҚШни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Париж иқлим келишуви, БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши таркибидан чиқариш тўғрисидаги фармонларни имзолаган эди. Шунингдек, у БМТнинг Фаластинлик қонқинларга ёрдам кўрсатиш агентлигини молиялаштиришни тақиқлаган. Бундан ташқари, шу йил 31 декабрга қадар АҚШнинг ЮНЕСКОдан ҳам чиқиши айтилмоқда.

## СУРИЯДА ҚҲРОЛЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

“Reuters” ахборот агентлигининг хабар беришича, 7 январь куни Халаб шаҳрида Сурия армияси ва демократик кучлар ўртасида ҳалокатли тўқнашувлар қайта бошланди.

Тарқатилаётган хабарларга кўра, мамлакатдаги зўравонлиқлар ва уни ким бошлагани ҳақидаги айбловлар алмашинуви, марказий ҳукуматга қўшилишга қаршилик кўрсатган Дамашк ва курд расмийлари ўртасидаги келишмовчилик чуқурлашиб, ҳалокатли оқибатларга олиб келган.

Сурия армияси Шайх Мақсуд ва Ашрафия маҳаллаларидаги ҳарбий позициялар “қонуний ҳарбий нишонлар” эканлигини эълон қилди. Ҳукумат тинч аҳолининг тўқнашуви ҳудудлардан қочиши учун гуманитар йўлакларни очиб берди ва уларни шаҳар автобусларида олиб кетди. “Биз уларни хоҳишларига кўра боришни истаган жойларига ёки хавфсиз бошлангаларга кўчирамиз”, деди Халабдаги фуқаролик муҳофазаси кучларининг операциялар бошлиғи Файсал Муҳаммад Али.

Жангарл Суриянинг етакчи шаҳарларидан бирида тинч аҳоли ҳаётини издан чиқарди, аэропорт ва Туркияга олиб борадиган автомагистраль ёпилиди, sanoat зонасидаги фабрикаларда ишлар тўхтаб қолди.

## ЕВРОПА ҚОР ҚҲРШОВИДА

“The Guardian” нашрида хабар беришларича, айни кунларда Европанинг қатор мамлакатларида кучли қор ёққани боис тирбандлиқлар йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келмоқда.

Масалан, 6 январь куни Франциянинг жануби-ғарбда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 3 киши ҳалок бўлган, 15 киши жароҳат олган. Париж атрофида эса яна 2 киши автоҳалокатда вафот этган.

Босния пойтахти Сараевода эса аёл киши дароҳт шохи босиб қолгани ортидан ҳаётдан кўз юмган. “Europeews” маълумотига кўра, учинч-қўнчи йўлакларини тозалаш ва учинча тайёр турган самолётларга музга қарши ишлов бериш зарурати сабаб Амстердамдаги Схипхол аэропортида бир кун ичида қарийб 600 та рейс бекор қилинган.

Аномал совуқ туфайли Буюк Британиянинг шимолий ҳудудларида тунда ҳарорат минус 12,5 даражагача тушиб кетди. Қор ёғиши темир йўл, автомобиль ва ҳаво катновини издан чиқарган, юзлаб мактаблар ёпилган.

## АНТАРКТИДАДАГИ МУЗЛИКНИНГ СИЛЖИШИ ТЕЗЛАШДИ

Олимлар денгиз сатҳининг глобал кўтарилиши хавфи туфайли сайёрамиздаги энг хавфли дея баҳоланувчи Фарбий Антарктидада жойлашган “Қиёмат куни музлиги” — Туэйтс фаоллашганини қайд этди.

Сунъий йўлдош кузатувларига кўра, музлик океан томонга силжиганини тезлаштирди, ёриқларнинг ўсиши ва муз шельфининг заифлашгани аниқланди, илиқ океан сувлари туфайли фаол эриши бошланди.

Маълумки, Туэйтс музлиги қўшни музлик массаларини ушлаб турувчи тўсиқ ролини бажаради. Унинг қисман ёки тўлиқ қолпаси дунё океани сатҳининг тахминан 60 — 70 см. кўтарилиши ёки Фарбий Антарктидада занжирли реакцияни ишга тушириш каби оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, узоқ мудатда денгиз сатҳининг бир неча метрга кўтарилиши хавфини келтириб чиқаради.

Тўғри, олимлар яқин йиллардаги фалокат ҳақида эмас, балки кейинги ўн йилликларда юз бериши эҳтимоли бўлган хавф ҳақида гапирмоқда. Халқаро тадқиқот гуруҳларининг янги маълумотларига кўра, “Қиёмат куни музлиги”нинг ҳаракати тезлашгани — бу XXI асрнинг энг жиддий иқлим сигналларидан бири бўлиб, оқибатлари бутун дунёга таъсир қилиши мумкин.

**Интернет хабарлари асосида**  
**Шарофиддин ТҮЛАГАНОВ**  
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВЕЛОСПОРТЧИЛАРИ МАВСУМНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАДИ

Шу кунларда Малайзиянинг Нилай шаҳрида велоспортнинг трек йўналиши бўйича нуфузли “Asean track series” (President Cup) мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Халқаро турнирда Осиё минтақасининг кучли спортчилари қаторида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ҳам галаба учун кураш олиб бормоқда.

### Спорт

Мусобақанинг илк кунларида-нақ юртимиз атлетлари юқори натижалар қайд этмоқда. Хусусан, терма жамоа аъзоси Сергей Ростовцев “omni” йўналишида барча рақибларидан устун келиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ушбу йўналиш спортчидан нафақат юқори тезлик, балки чидамлилиқ, тактик фикрлаш ва барқарорлиқни ҳам талаб этди. Ҳамюртимиз мусобақанинг барча босқичида ишончли ҳара-

кат қилиб, галабага муносиб эканини исботлади.

Кувонарлиси, Сергей Ростовцев кейинги стартларда ҳам ўз маҳоратини намоян этди. У “scratch” ва “elimination” дастурларида ҳам биринчи ўринни эгаллаб, терма жамоамиз ҳисобига қаторасига учта олтин медални қўшди. Бу натижа Ўзбекистон велоспорти учун мавсум бошидаёқ кўлга киритилган муҳим ютуқ сифатида эътироф қилинмоқда.



“Asean track series” мусобақаси икки босқичда ташкил этилди ва унда юртимиз терма жа-

дислав Троман, Беҳзод Нурматов ва Данил Фёдоров баҳс олиб бормоқда. Аёллар жамоасидан эса Асал Ризаева ҳамда Нафосат Козиева мамлакат шарафини ҳимоя қилмоқда.

Эътиборли жиҳати, терма жамоамиз ушбу мусобақада янги мураббийлар — германиялик мутахассис Йохан Дорнбуш ҳамда тажрибали спортчи ва мураббий Ольга Забелинская раҳбарлигида иштирок этапти. Мутахассисларнинг замонавий тайёргарлик услублари ва ёндашуви қисқа вақтда ижобий самара бера бошлагани кўлга киритилган галабаларда яққол намоён бўлди.

Ушбу муваффақият Ўзбекистон велоспорти учун йил бошидаги катта рағбат бўлиб, келгуси халқаро мусобақалар олдидан спортчиларимизга ишонч ва руҳий кўтаринкилик бағишлайди.

**«Халқ сўзи».**

Шу йилнинг 11 январидан «Менинг мактабим» лойиҳаси 2-босқичининг овоз бериш жараёнлари бошланади ва бу 20 январь соат 23:59 га қадар давом этади.

### Халқ сўзи

### Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати Кенгаши**

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.**  
**Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.**  
**Мусаххас — С. Исломов.**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6